

## Икки мусулмон хафалашиб қолса

09:26 / 17.02.2019 3014

Ассалому Алайкум! Ҳурматли устозлар, билишимча агар одам бир яқин инсон билан уришиб қолса, то улар ярашмагунларича улар қилган савобларию дуолари ўтмайди дейилган, лекин улардан биронтаси ярашишга бир қадам қўйиб бунга кўп мартаба қайтарган бўлсаю, аммо иккинчи одам жавоб қайтармаган бўлса биринчи одамга гуноҳ ёзилмайдими? Саволим ноқулайликлар туғдирган бўлса олдиндан узур сўрайман.

### "Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

- Ва алайкум ассалом! Кечирим сўраган бўлса [дуолари](#) ижобат бўлишини умид қилинади. Узр сўрайдиган одам икки қисмга бўлинади. Қилган ишига пушаймон бўли ҳақиқатан узр сўраса кечириб мустаҳиқ бўлади. Бундай одамни кечирмаган инсон ҳадисда қаттиқ қораланган. [Ҳадис](#)да Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам “Сизларга ёмонларингизни хабарини берайми” деб баъзи кишиларни сифатларини баён қилдилар. Сўнг булардан ҳам ёмонроғини хабарини берайми деб “Одамларни хатосини кечирмаган, узрини қабул қилмаган ва [гуноҳ](#)ини кечмаган кишидир” деганлар. Иккинчиси агар кечирим сўраётган инсон кечиримида содиқ бўлмаса узрини қабул қилмаган киши гуноҳкор бўлмайди. [Аллоҳ](#) таоло “Нур” сураси 22-оятда “...Афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳнинг сизларни мағфират қилишини севмайсизларми?! Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир” ва “Шууро” сураси 40-оятда “Ким афв этиб, [ислоҳ](#) қилса, унинг ажри Аллоҳнинг зиммасидадир. Албатта, У Зот золимларни севмас” деб марҳамат қилган. [Валлоҳу аълам!](#)